

«Islom.uz-1444» танлови якунланди



23:19 / 09.06.2023 1365

Бандаларини Ўзининг розилиги йўлида мусобақалашига чақирган Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога ҳамду саноларимиз бўлсин!

Роббининг буйруқларини умматига омонат ила етказган, оламларга раҳмат бўлиб келган Пайғамбаримиз ҳазрати Расулуллоҳ Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга дурудун саломларимиз бўлсин!

«Islom.uz» портали анъанавий «Islom.uz-1444» танлови якунланганини маълум қилади.

Танловимизда иштирок этган барча қатнашчиларга, холис дуода бўлган

мухлисларимизга ташаккурлар изҳор этамиз. Қимматбаҳо вақтларини, билим ва тажрибаларини, қобилият ва кўникмаларини Аллоҳ таолонинг розилигига йўналтириб, танловга ўз асарларини тақдим этган барча иштирокчиларимизга раҳматлар айтамиз. Келгусида бундай тадбирларимизнинг янада кўпайишини, уларнинг давомий бўлишини, ўзимиз ўйлагандан ҳам афзал бўлишини Ҳақ субҳанаҳу ва таолодан илтижо қилиб қоламиз.

Танлов натижалари ҳақида келгусида islom.uz портали ва унинг ижтимоий саҳифаларида маълум қиламиз.